

Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 30-APREL, SESHANBA, 54 (8135)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Балиқчиликни ривожлантиришнинг ҳам муҳим омиллари борлигини мутахассислар яхши билишади. Шундан бири — сув ҳавзаларини ўз вақтида майда балиқлар билан балиқлантириш бўлса, иккинчиси балиқчилик хўжалиқларини юқори сифатли озуқа билан таъминлашдир.



«Ҳаёт учун!» хайрия лойиҳаси тadbирларидан тушган маблағ аёлларда учрайдиган саратон касаллиги бўйича профилактика чораларини кучайтириш, опа-сингилларимизни тиббий кўриқдан ўтказиш, беморларга ёрдам кўрсатиш, уларни дори-дармон билан таъминлашга сарфланади.



...Олов ўзини кўрсатиб бўлган, бинога катта талафот етганди. Барча нарса ёнган, кул бўлганди. Қизини шундаки, бинога қирверишда фақат бир нарса ёнмай қолибди. Оддий тунукага туширилган эслатма панно. Унда эса «Чеккиш мумкин эмас!» деган ёзув бор эди. Яна ҳам ажабназарли томони, олов айнан чеккиш эътиборсизлик оқибатида чиққан ва аланга олган эди...

САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА

Куннинг муҳим воқеалари

► Хитойдаги Миллий кўргазмалар марказида БМТ Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмағида "China Outbound Travel & Tourism Market" ("COTM-2013") халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари юртимиздаги кўплаб бетақдор тарихий осоритиқалар, халқимизнинг кўҳна тарихи ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ранг-баранг ҳамда ўзига хос аъёнлари тўғрисидаги маълумотлар билан атрофича танишдилар.

► Беруний туманида Фермерлар кенгашлари фаолиятини ривожлантириш масалалари бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти туманлари ҳокимлари, Фермерлар кенгашлари раислари, адлия идоралари ходимлари иштирок этди.

► Ўзбек Миллий академик драма театрида "Ораса қизлар" республика фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактаблари, коллеж ва лицейларда фаолият кўрсатаётган «Ораса қизлар» тўғраги аъзолари иштирок этди. Фестивалда Фаргона вилоятининг "Нихол" жамоаси биринчи ўринга эришди. Самарқанд вилоятининг "Зукко қизлар" жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Тошкент вилоятининг "Нихол" жамоасига насиб этди.



РИВОЖЛАНАЁТГАН КОРХОНА

Термиз шаҳридаги "Наврўз" хусусий корхонаси аҳолига тикувчилик, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, тикув ускуналарини таъмирлаш каби етти турда сифатли маиший хизмат кўрсатмоқда. 24 нафар ишчи, етти касаначи меҳнат қилаётган корхонада тикувчилик ўқув курси ҳам ташкил этилган. Шунингдек корхонада касб-хунар коллежларида тахсил олаётган ёшларнинг амалиёт ўташи учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Бугунги кунда юртимизда ёшларни ишга жойлаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш ишларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, бугун олий ўқув юртида таълим олиб, илм сирларини эгаллаётган талаба келажақда шу соҳанинг мутахассисидир. Бу борада таълим муассасалари, ташкилот ва идоралар ҳамда ёшлар ўртасида уч томонлама келишув асосида шартномадан тўзилмоқда. Танланган соҳаси бўйича иш ўрни мавжудлигини билган ёшлар ҳеч иккиланмай дипломинини олиши биланоқ корхона, ташкилотларга ишга жойлашмоқда. Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ўтказилган "Бўш иш ўринлар ярмаркаси" ҳам айнан шу мақсадга қаратилди.

Тадбирда республикамизнинг барча ҳудудларидан соҳага доир ташкилот ва идора вакиллари, олий ўқув юрти ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

— Жорий йилда олий таълим муассасамизни бакалавр йўналиши бўйича 1130 нафар, магистратура йўналиши бўйича 136 нафар ёшларимиз таъминлади, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти ўқув ишлари бўйича проректори Баҳодир Мирзаев. — Уларга танланган соҳалари бўйича таълим бериш билан кифояланмай, эртанги тақдир билан қизиқиш, уларнинг бандлигини таъминлаш таълим жараёнларининг мантиқий давомидир.

Чунки назарий билимлар амалиёт билан бевосита юзага чиқади. Бўш иш ўринлари ярмаркаси битирувчи босқич талабаларимизга ўзлари танлаган йўналишлари бўйича ишга жойлашиши мумкин бўлган ташкилотлар билан бевосита алоқа боғлаш имкониятини яратди.

— Ташкилотимизда асосан қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминлаш, ирригация мелиорация ишлари олиб борилади, — дейди "Аму-Қазақдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи Саида Акбарова. — Ҳозирда вилоят миқёсидаги сув хўжалиги тизимларида 56 та бўш иш ўрни мавжуд. Қолаверса, соҳага янги замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Бу кун сайин такомиллашиб, янгича кўриниш касб этаётган соҳага ёш назарий ва амалий билимларга эга мутахассислар керак дегани. Ана шу бўш иш ўринларига талабаларнинг таълим йўналишлари, қизиқиши ва иштиёқлари қараб шу ернинг ўзида уч томонлама шартнома имзолади.

— Самарқанд вилоятининг Қўшробот туманиданман, — дейди Музаффар Сатторов. — Бу йил мазкур олий ўқув юртининг Сув хўжалиги ва мелиорациялаш ишларини механизациялаш факультетини тамомлайман. Бугунги бўш иш ўринлари ярмаркасида "Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасидаги бўш иш ўринларидан бири айнан меннинг йўналишимга мос келди ва уч томонлама шартнома имзоладим. Бу ўқишни якунлашим биланоқ меҳнат фаолиятимни бошлаш имкониятини беради.

Гулноза ТУРҒУНБОВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЮКСАЛИШ ОДИМАЛARI

ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИЪ ОЛИШДИ

Фаргона шаҳрида Фермерлар кенгашлари фаолиятини ривожлантириш, фермерлик фаолиятида қонунийликни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ерларидан тўғри фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш масалаларга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятлари туманлари Фермерлар кенгашлари раислари, адлия ва прокуратура органлари ходимлари, ҳокимликлар ҳамда тегишли вазирилик ва идоралар вакиллари, туман ер ажратиш комиссиялари аъзолари иштирок этдилар.

Ўқув-семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони С.Турдиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ишохотлар, хусусан, фермерлик фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тасулутида тўхталиб, бу борада Юртбошимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, томонлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, тупроқ унумдорлигини ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, ердан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тегишли вазирилик ва идоралар, ҳокимликлар, назорат органлари ҳамда жойлардаги Фермерлар кенгашларининг ўзaro ҳамкорлиги, ишни яқдиллашда тўғри ва ҳаққонли ташкил этиши самарадорликни янада оширади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

САМАРАЛИ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ

Зарафшон шаҳридаги Марказий кон бошқармасига қарашли "Мурунгов" ва "Тошқўра" конларида бугунги кунда 300 га яқин тоғ-кон машина-механизмлари ишлаб турибди.

Улар 180 тонна миқдорда юк кўтариш қувватига эга бўлган "БелАЗ-7513", "CAT-777D", "CAT-789" русумли транспорт воситаларидан иборат.

Яқинда улар сафига 220 тонна юк кўтариш қувватига эга 13 та "БелАЗ" автотранспорт воситаси қўшилди. Янги транспорт воситаларида тоғ рудалари кўпроқ ташилиши билан бирга ёниги сарфи ҳам тежаслади.

Абдурашул САТТОВОВ

ИШ КўЛАМИ ИККИ ЯРИМ БАРАВАР ОШДИ

Гулистондаги "Аланга кўмак нур файз" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дадахон Дадаев 2009 йилда 20 та "Матиз" ва "Нексия" автомашинаси сотиб олиб, аҳолига намунали такси хизмати кўрсатишни бошлаб юборганди. Яқинда тадбиркор "Қишлоқ қурилиш банк"нинг вилоят филиалидан олинган кредит эвазига 30 та "Нексия" автомашинаси олиб келиб, автожамланма фаолиятини янада кенгайтди.

Автожамланмада 50 нафар малакали ҳайдовчи йўловчилар узогини яқин қилишмоқда. Автокорхонада меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

— Автомашиналарни алоҳида сақлаш саройи, таъмирлаш устaxonаси, тиббиёт хоналарини ҳам ташкил қилдик, — дейди корхона раҳбари Дадахон Дадаев. — Диспетчер Зарнигор Эргашева кундалик йўл ҳужжати ёзиб берса, ҳамшира Шаҳноза Алимова ҳайдовчилар соғлигини доимий назорат қилиб борапти. Тўй-маъракаларга ҳам буюртма бўйича хизмат кўрсатаётганлигимиз даромадимиз кундан-кунга ўсишини таъмин этаётир.

Бозорбой БЕКМУРDOV

САМАРҚАНДДА САНОАТ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ



Самарқанд шаҳрида ҳудудий Саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги 200 дан зиёд йирик ва кичик ишлаб чиқариш, савдо корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқараётган 1000 дан зиёд маҳсулотлар ҳамда сервис хизматлари билан иштирок этди.



Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда маҳаллий хомашё ва саноат кооперацияси негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмларни, маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, айниқса, кичик бизнес субъектлари ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу Саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бунинг яққол далилидир.

Энг муҳими, вилоятда йил бошидан буён ташаббускорларнинг истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланиши тўғрисида трикотаж, тайёр кийим-кечак, пойабзал ва пайпоқ каби 20 турдан зиёд импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Масалан, мазкур тадбирда Самарқанд шаҳридаги "DAKA TEX" кўшама корхонаси кўшимча 8 хилдаги ип-калава ва бўз маҳсулотларини, Тайлоқ туманидаги "Mashhura Munira shevar" корхонаси салкам 30 хилдаги кийим-кечак ва трикотаж, Ургут туманидаги "Urgut Evroteks" корхонаси 40 хилдаги маҳсулотларини, Тошкент шаҳридаги "Ishtixon charm mahsulot" масъулияти чекланган жамияти 60 хилдаги сифатли пойабзалларини намоийш этишди.

— Туман саноатини ривожлантириш Дастури асосида бир ой аввал корхонамиз фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди Тайлоқ туманидаги "Mashhura Munira shevar" корхонаси раҳбари Мунира Хўжаназарова. — 28 киши иш билан банд бўлган корхонамизда трикотаж маҳсулотлари ва эркаклар учун кўйлақлар тикилмоқда. Ушбу тадбир, аввало, мижозларимиз сонини оширди, шунингдек, уларнинг буюртмасини сифатли амалга ошириш учун "DAKA TEX", "Artek international"

каби корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик келишувларини расмийлаштирдик.

Тадбирда янги маҳсулотлар ҳам тақдим этилди. Хусусан, "Maroqand sifat" масъулияти чекланган жамияти спорт майдонлари учун суний қопламалар, "Stekloplastik" корхонаси таълим муассасалари учун интерфаол доскалари, "Osiyo mebel" корхона-

си МДФ ёғоч материалдан тайёрланган кўркам мебеллар ишлаб чиқармоқда. Бу эса нафақат вилоят, балки кўши Қашқадарё, Навоий ва Жиззах вилоятларидан келган буюртмачиларнинг ҳам эътиборини тортиди.

Тадбирнинг очилишида вилоят ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Аббар ҚАРШИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

МУРАККАБ ШАРОИТДА МУНОСИБ ФАОЛИЯТ

Туманимиздаги Кўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги деҳқончилик қилинадиган ерларнинг асосий қисми Варахшо чўл массивига туташ. Аҳоли яшаш масканларидан анча олисда жойлашган, оқар сувнинг етиб бориши мураккаб, тупроқ шароити оғир бўлган бу жойларда экин экиб, кўзланган ҳосилни олишга ҳар кимнинг ҳам юраги бетламайди. Шу боис, дастлабки фермер хўжалиқларини ташкил этиш жараёнида бу ерларга талабгорлар сони кам эди. Аммо ўша кезларда чўлда бўстон яратишни кўнглига тугиб иш бошлаган "Файз-2000" фермер хўжалиги раҳбари Яҳё Файзиев бугунги кунга келиб ўз мақсадига эришди.

Ёшлигидан эл орасида кураш тушиб полвон, кўпқари чопиб чавандоз номи билан танилган бу йигитнинг орияти, меҳнатдан чекинмаслиги, ишбилармонлиги, тиниб-тинчимаслиги чўл инжиқликларидан устун келди. Бугун унинг кўп тармоқли фермер хўжалигига ҳар томонлама ҳавас қилса арзийди. Дастлаб 70 гектар ер майдонига эга бўлган фермер ихтиёрида бугун 265 гектар экин майдони, 200 гектар яйлов бор. Ҳалла ва пахта ҳосилдорлиги ўша кезларда атиги 15 центнерни ташкил этган бўлса, ҳозирда

бу кўрсаткич пахтачиликда 45, галлачиликда эса 60 центнерга тўғри келяпти. Фермерликдан олдин тадбиркорлик фаолияти билан шугулланган Яҳё Файзиев шахсий маблағини, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга сарфлади. Ишни ерларини текислаш ва маҳаллий ўғитга тўйинтиришдан бошлаган фермернинг бу саъй-ҳаракати кўлга киритилган бугунги ютуқларига асосий омил бўлди, харажатлари ўн ҳисса ортиб, даромад бўлиб қайтди, десак янада тўғрироқ бўлади.



— Техника деҳқоннинг қаноти, — дейди фермер Яҳё Файзиев. — Ҳозир техникаларимиз сони 10 дан ошди. Уғлим Бехзод механикатор. Унинг маслаҳати билан яна техника олмақчимиз. Қанотимиз узун бўлса, даромадимиз ҳам юксалади.

Ҳосилдорликнинг йилдан-йилга ошиб бориши даромадларининг ҳам салмоқли бўлишига замин ҳозирлади. Хўжалик иқтисодиёти эса барқарор мустақамланиб бораётди. Айни дамда хўжалик қошида чорвачилик, боғдорчилик

балиқчилик тармоқлари фаолият кўрсатади. Фермер ихтиёрида 80 бош қорамол, 500 бош қўй, 5 бош от, 10 гектар боғ, 30 сотихли сунъий ҳовуз мавжуд.

Қишлоқ мулкдорининг мушкултини осон қилаётган, деҳқончиликда унга қўлқанот бўлаётган техника базаси ҳақида эса алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли. Мамлакатимизда фермерлар учун яратилган имтиёزلардан ўз вақтида самарали фойдаланишни ҳам яхши биладиган Яҳё Файзиев лизинг ва банк кредитлари асосида 1 та МХ-135, 1 та "Магнум" русумли юқори унумли ҳайдов, 2 та ТТЗ-80-11 русумли чопиқ тракторларни ҳам сотиб олишга эришди. Бугун фермернинг жами техникалари сони 10 дан ортиқ. Барча агротехник тадбирларни ўз техника ва механизмлари кучи билан бажариш имкониятига эга.

Туманимизда Яҳё Файзиев каби фермерлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол. Уларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари эвазига аграр соҳада кўзланган мақсадларга эришиб, элимизнинг дастурхони тўқинлигини таъминлашга, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга эришяпти.

Рустам НОРОВ,
Ромитан тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи.

ОЛОТЛИК ЗИЁДУЛЛА ЧОРВАДОР

ЭНДИ У ОМАДИНИ ПАХТАЧИЛИК ВА ГАЛЛАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ХАМ СИНАБ КЎРМОҚЧИ



Зиёдулла Соатов туманимизда биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатига қўшилган кишилардан. Чорвачиликка ихтисослашган "Зафар" фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Олотда унинг номига "чорвадор" сўзини қўшиб айтганга танимайди одам йўқ. Боиси, у чорвачилик йўналишида катта тажриба тўплаган, юқори кўрсаткичларга эришган. Сут ва гўшти маҳсулотларини қайта ишлашни ҳам туманимизда айнан Зиёдулла ака бошлаган.

Фермер хўжалиги қошида Россия технологияси билан жиҳозланган сут ва гўшти қайта ишлаш цехлари ҳамда новвой-хонаси мавжуд. Қайта ишлаш цехларида ҳар ойда ўртача 25 тонна сут ва 2 тонна гўшт қайта ишланиб, 10 турдан ортиқ тайёр маҳсулот савдо дўконларига чиқарилади.

Зиёдулла аканинг табиатига хос тадбиркорлик ва изланувчанлик одатлари қизи Мафтунада ҳам муҳажасам. У хўжаликдаги ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилиши баробарида новвойхона қошида кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ҳам ташкил этган. Энг қувонарлиси, бу ерда Олот қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг ўқувчилари учун амалиёт ўташга етарли шарт-шароит яратилган.

"Зафар" фермер хўжалигининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 400-500 миллион сўмга тўғри келади ва унинг асосий қисми тумандаги савдо дўконлари орқали сотилади. Шартнома асосида корхона ва ташкилотларга, таълим муассасаларига етказиб берилади.

Жорий йил бошида Зиёдулла ака 60 гектар ер олиб, ўз хўжалигида галлачилик, пахтачилик ва боғдорчилик тармоқларини ҳам йўлга қўйди.

У мамлакатимизда фермерларга қаратилган эътибордан руҳланиб, шундай ғамхўрликка яраша меҳнат қилишга ҳаракат қилади. Унинг келгусидаги режалари билан ўртоқлашган киши бунга амин бўлади.

Зиёдулла ака ҳозирда 1 гектар ерда интенсив боғ барпо этган. Мақсади келгусида мевани қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқчи. Шунингдек, сутни қайта ишлаш цехини янгидан жиҳозлаб, экспортбоп маҳсулот — пишлоқ (сир) қаламчаларини ишлаб чиқариш ниятида юрибди. Олот шаҳри марказидан яхлит ишлаб чиқариш ва савдо мажмуасини қуриш учун туман ҳокимлигига ариза билан ҳам муносабат қилган.

Зиёдулла аканинг кўзлаган режалари амалга ошса, юзга яқин маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади, туманда ишлаб чиқарилаётган гўшт, сут, мева ва сабзавот маҳсулотларининг маълум қисмини қайта ишлаш имкони туғилади.

Ҳа, юртимизда Зиёдулла акага ўхшаган ғайрат-шижоатли, кўнглига элнинг қорига қамарбаста бўлиш каби эзгу мақсадларни жо этган қишлоқ мулкдорлари талай. Ниятимиз уларнинг сафи кенгайиб бораверсин.

Курбонбой ХУДОЕВ,
Олот тумани Фермерлар кенгаши раиси.

Жорий йилда вилоятдаги галлачилик ва пахтачилик йўналишидаги фермер хўжалиқлари қабул масканларига 154 минг 300 тонна галла ва 342 минг тонна пахта етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. 65 минг 600 гектардаги галла экинлари мўл ҳосил нишонларини кўрсатиб турган бўлса, 109 минг 600 гектар ерга қадалган чигит бир текисда униб чиқиб, далаларда ям-яшил чизилар ҳосил қиляпти. Айни кунда воҳа деҳқонлари гуза қатор ораларига биринчи ишлов беришни уюшқоқлик асосида олиб боришмоқда.



ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

Бугунги саҳифамизда БУХОРО ВИЛОЯТИ фермерларининг эришаётган ютуқлари, илғор тажрибалари билан танишасиз.

▼ ПАРРАНДАЧИЛИК ХАЗИНА КАЛИТИ МЕҲНАТДА

Мамлакатимизда кейинги йилларда фермер хўжалиқларида паррандачиликни ривожлантириш, уни сердаромад тармоққа айлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.



— Ҳар бир ишда устозим, отам Шавкат Раҳимовнинг маслаҳати бизга кўп келмоқда. Паррандалар парваришида ҳам у кишининг хизмати катта.

Мана икки йилдирки, биз ҳам ўз хўжалигимизда парранда боқиб, бу борадаги тажрибаларимизни орттириб, даромадларимизни кўпайтириб бораётишимиз. Ана шу тажрибаларимизга асосланиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг бир товуққа ҳам дон, ҳам сув, ҳам меҳр керак, деган ибораси жуда тўғри қўлланилган экан. Паррандачилик — ҳазина, бу хазинанинг калити эса меҳнатда.

Шундай интилишларимиз самараси ўлароқ, пахтачилик, галлачилик, чорвачилик ва балиқчи-

лик йўналишидаги кўп тармоқли фермер хўжалиги қошида эндиликда паррандачилик тармоғи ҳам жадал ривожланиб бораёпти. Ўтган йилнинг июнь ойида хўжалигимизга келтирилган "Ломан Браун" зотли тухум йўналишидаги 2000 бош жўжаларни меҳр билан парваришладик. Жўжаларнинг 1900 боши воёга етиб йил бошидан буён улардан маҳсулот олиб келяпмиз. Ҳозирда ҳар кун 1500-1600 дона тухум етиштирилиб, пешма-пеш буюртмалар асосида савдо дўконларига етказиб берилляпти.

Яна бир муҳим жиҳати бу фаолиятимиз натижасида хўжалигимиз тузуккина даромад манбаига эга бўлиши баробарида 3 нафар маҳаллаимиз ёшлари учун муҳим янги иш ўрни яратилди. Хулоса ўрнида шунга айтишимиз мумкинки, фермер хўжалиқларининг кўп тармоқли бўлишида қатор афзалликлар мавжуд. Кўп тармоқчилик кўп даромад манбаи ҳамдир.

Шермат РАҲИМОВ,
Бухоро туманидаги "Раҳим Шерхон" фермер хўжалиги раҳбари.

Бугун вилоятда паррандачилик билан шугулланган фермер ҳамда саноат усулида товуқ боқадиган шахсий хўжалик эгалари борки, "Шуҳратмаш-сервис" масъулияти чекланган жамиятини яхши билади. Чунки бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар паррандобоқарлар учун жуда зарур.



— Шуҳратжоннинг дошхонаси билан бошлаган ишимиз ривожланиб кетди, — дейди тадбиркор Толиб Раҳмонов. — Бугун 12 турдаги маҳсулотимиз миқозларга манзур бўлмоқда.

ФЕРМЕРЛАРГА МАДАДКОР БЎЛАЁТГАН ТАДБИРКОР

Дастлаб Пешку туманида иш бошлаган жамият асосан фермер хўжалиқлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари қошидаги ёрдамчи хўжаликлар ҳамда аҳоли учун товуқ, жўжа, қуён парваришланадиган махсус катаклар ишлаб чиқариш ва бу турдаги ускуналар учун эҳтиёт қисмларини етказиб бериш билан шугулланди. Кейинчалик корхона маҳсулотига талабнинг ортиши сабабли Бухоро шаҳри марказида ҳам корхонанинг филиалини очибга тўғри келди. Ҳозирда жамиятнинг фаолият тури анча кенгайган. Аниқроғи, жамият раҳбари сергайрат тадбиркор Толиб Раҳмонов корхонаси қошидаги ташландиқ жойларни ободонлаштириб 3200 та парранда, 100 бош қорамол харид қилди. 20 сотих сунъий ҳовуз, 10 сотих иссиқхона қуриб, "Ҳамро Раҳмон чорва" фермер хўжалигини ҳам ташкил этган.

— Анча йиллар олдин паррандачиликни ривожлантиришга бағишланган вилоят микросидаги йиғилишлардан бирида парранда парваришlash учун махсус катакларга эҳтиёж сезилаётгани, уни четдан келтириш лозимлиги ҳақида гап борди, — дейди жамият раҳбари. — Ўйлаб қарасам, жамиятимиздаги цехда парранда катакларини ишлаб

чиқариш имконияти бор. Қолаверса, ўғлим Шуҳратжон бундай қурилмаларнинг лойиҳаларини чиқариб, бу борада иш олиб боришни кўнглига тугиб қўйган эди. Шу аснода таваккалчилик асосида бошлаган ишларимиз тезда юришиб кетди.

Тадбиркорнинг корхонаси узлуқсиз ишлаб турибди. Эндиликда корхона маҳсулотларига қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар кўпайиб бораётди. Ўтган йил мобайнида корхонада 400 миллион сўмлик шартномалар имзоланган. Ва улар тўлиқ бажарилган.

— Кейинги йилларда корхонамизнинг фаолият турини янада кенгайтирдик, — дейди корхона раҳбари. — Эндиликда 12 турдаги парранда қафаслари билан бир қаторда бедана, қуён ва қушлар парваришланадиган ускуналар, паррандалар учун омихта ем тайёрлаш дастгоҳи каби-ларни ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Мақсадимиз паррандачиликни ривожлантириш орқали халқимизнинг дастурхони тўқинлигини таъминлашни ният қилган юрдошларимизга қамарбаста бўлишдан иборат.

Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ТАРМОҚ РИВОЖИГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда аграр соҳанинг етакчи тармоғи саналган балиқчиликни жадал тараққий эттириш борасида ҳам вилоятимизда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Вилоят ҳокимининг 2013 йил 11 февралда қабул қилинган «Бухоро вилоятида 2013 йилда қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларчилик тармоқларини комплекс ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришнинг манзилли чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам балиқчиликни янада ривожлантириш борасидаги галаги вазифалар белгилаб берилган.

Бу каби амалий ишлар самараси ўлароқ вилоятдаги балиқчилик корхоналари томонидан етиштирилаётган балиқ миқдори йилдан-йилга ошиб бораёпти. Масалан, 2012 йил бошида вилоятда фаолият кўрсатаётган барча турдаги балиқчилик хўжалиқларида 876 тонна балиқ етиштирилган бўлса, жорий йил бошида бу кўрсаткич 1250 тоннага тенг бўлди. Эки жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу дав-

рига нисбатан 147 фоиз кўп балиқ овланиб, эл дастурхонига тортиқ этилди. Вилоятдаги балиқчилик корхоналари сони бу йил яна 31 тага кўпайиб, улар томонидан жами 105 гектар янги сунъий сув хавзалари қурилди. Балиқчилик хўжалиқларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида молия муассасалари томонидан 413 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шунингдек, 35 та кўп тармоқли фермер



— Қўлимиз хазинага бой, — дейди «Ромитантранс» МЧЖ раҳбари Искандар Рашидов. — Фақат эътибори ғамхўрлик бўлса бас, хазина кўзини очаверади.

хўжалиқлари қошида ҳам балиқчилик йўлга қўйилди. Вилоятдаги сунъий сув хавзалари ўтган куз ва бу йилги баҳор мавсумида 1 миллион 677 минг дона

майда балиқлар билан балиқлантирилди. Демак, келгусида бу кўрсаткичларнинг юқори бўлиши турган гап. Балиқчиликни ривожлантиришнинг

ҳам муҳим омиллари борлигини мутахассислар яхши билишди. Шулардан бири — сув хавзаларини ўз вақтида майда балиқлар билан балиқлантириш бўлса, иккинчиси балиқчилик хўжалиқларини юқори сифатли озуқа билан таъминлашдир. Шу мақсадда жорий йилда вилоятимиздаги "Жайхун балиғи" ва "Иброҳим Қосимий" балиқчилик хўжалиқлари қошида йилга 40 миллион дона балиқ чавоқлари ишлаб чиқариш қувватига эга инкубаториялар қуриб ишга туширилди. "Бухоронмаҳсулотлари" ОАЖда эса омихта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, бу турдаги субъектларни оқар сув билан таъминлаш борасидаги мавжуд муаммолар ҳам ўз ечимини топиб бораётди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, вилоятимизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш, балиқ ишлаб чиқаришни кўпайтириш масаласида зарур барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўзланган натижаларга эришиш учун эса имкониятларимиз етарли.

Хусен ҒАФФОРОВ,
Вилоят балиқчилик корхоналари уюшмаси раиси.

Qishloq Qurilish Bank

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

- «Наврўз» – мuddати 1 ой
- «Баҳор» – мuddати 3 ой
- «Барҳаёт» – мuddати 12 ой
- «Обод турмуш» – мuddати 24 ой
- «Бинафша» – мuddати 6 ой

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

- «New» – мuddати 1-3 ой



Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«МАДАД» – 1 йилдан кам бўлмаган мuddатга

«ҚУРИЛИШГА БОШЛАНГИЧ БАДАА» – 1 йилдан кам бўлмаган мuddатга.

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.

- | | |
|--|-----------------|
| 1. Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (371) 150-77-21 |
| 2. Тошкент вилояти минтақавий филиали | (371) 150-79-19 |
| 3. Андижон минтақавий филиали | (374) 222-23-72 |
| 4. Фарғона минтақавий филиали | (373) 229-70-91 |
| 5. Наманган минтақавий филиали | (369) 223-04-37 |
| 6. Бухоро минтақавий филиали | (365) 223-92-21 |
| 7. Самарқанд минтақавий филиали | (366) 210-02-49 |
| 8. Қашқадарё минтақавий филиали | (375) 771-04-26 |
| 9. Сурхондарё минтақавий филиали | (376) 770-83-72 |
| 10. Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (361) 224-22-15 |
| 11. Хоразм минтақавий филиали | (362) 227-48-15 |
| 12. Сирдарё минтақавий филиали | (367) 221-00-71 |
| 13. Ўзбекистон Республикаси вилояти | (372) 771-63-38 |
| 14. Навоий минтақавий филиали | (436) 770-27-97 |

Банкадога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:

(+99871) 150-76-53, 150-39-93

www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

КОРХОНА ВА КИЧИК БИЗНЕС ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИККАТИГА! НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот-20/1. Наманган тумани Ирвадон ҚФЙ Урта Ровустон МФЙда ички автомобиль йўли қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 1 358 244 212 сўм, ҚҚСиз 1 131 870 176 сўм. Бажариш мuddати 180 кун.

Лот-20/2. Норин тумани Тошлоқ ҚФЙ Тошлоқ аҳоли пунктида ички автомобиль йўли қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 193 528 312 сўм, ҚҚСиз 161 273 593 сўм. Бажариш мuddати 60 кун.

Лот-20/3. Учкўрғон тумани Янгиер ҚФЙда ички автомобиль йўли қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 182 175 531 сўм, ҚҚСиз 151 812 943 сўм. Бажариш мuddати 90 кун.

Лот-20/4. Янгиқўрғон тумани Соҳи ҚФЙ аҳоли пункти Бекобод МФЙда ички автомобиль йўли қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 161 174 440 сўм, ҚҚСиз 134 312 033 сўм. Бажариш мuddати 75 кун.

Лот-21/1. Янгиқўрғон тумани Шарқ Юлдузи ҚФЙ аҳоли пункти Қизилқиёк МФЙда ички автомобиль йўллари қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 362 205 361 сўм, ҚҚСиз 301 837 801 сўм. Бажариш мuddати 105 кун.

Лот-21/2. Поп тумани Хонобод аҳоли пункти М.Умрзаков ҚФЙда ички автомобиль йўллари қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 269 274 236 сўм, ҚҚСиз 224 395 197 сўм. Бажариш мuddати 60 кун.

Лот-21/3. Норин тумани Шўрарик қишлоқ аҳоли пункти Пахтақишлоқ ҚФЙда ички автомобиль йўллари қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 296 814 122 сўм, ҚҚСиз 247 345 102 сўм. Бажариш мuddати 75 кун.

Лот-21/4. Янгиқўрғон тумани Заркент ҚФЙ Маданият МФЙда қуриладиган уй-жойлар худудини ободонлаштириши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан 424 508 399 сўм, ҚҚСиз 353 756 999 сўм. Бажариш мuddати 120 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри А.Темур кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (8-369) 226-22-60, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш: Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Диккат! 500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзаллига эга ҳисобланади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак:

танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридидаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техника-

вий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориз қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер тақлифлари қатнашчиларнинг тендер тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти худудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга Наманган шаҳар Навоий кўчаси 22-уй, Тел.факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи - 100 000 сўм

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати - оферталарни очилиш куни ва соати.

Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Навоий кўчаси 22-уй.

ООО МКО «СНІРСНІК КРЕДИТ»

Регистрационный номер: лицензия ЦБ РУ № 34 от 17 апреля 2010 года.
Юридический адрес: Ташкенская область город Чирчик, 2 микрорайон дом 5А

ДИНАМИКА ОСНОВНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МИКРОКРЕДИТНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ЗА 2012 ГОД

(тыс. сум)

Показатели	На 31.12.2011 год	На 31.12.2012 год	Рост динамики, %
Активы	812 428,00	2 441 248,40	300,5
Кредитный портфель	741 591,86	1 488 376,28	200,7
Уставный капитал	70 000	266 000	380
Нераспределенная прибыль	288 328,40	375 640,80	130,3
Обязательства	453 360,60	1 715 552,00	378,4
Процентные доходы	477 261,60	707 587,90	148,3
Операционные расходы	188 933,20	331 947,10	175,7
Чистая прибыль	288 328,40	375 640,80	130,3

